# НУРЛИ ТОНГ

Лавҳа

— Дада, эртага байрам-а!

— Ҳа, ўғлим. Тонг отса байрам. Тинчлик, меҳнат, Май байрами, Горький бобонг айтган эркин одамлар байрами..

Байрамларни ҳаммадан аввал болалар орзиқиб кутишади. Уларнинг қувноқ табассуми ҳар қандай байрамларимизнинг бошланиши.

Тошкентда нимагадир олча кўпдек туюлади. Айниқса, май ойида бу нарса яққол сезилиб қолади. Қайси кўчага кирманг гуллаб-яшнаб нигоҳингизни қитиқлаб туради. Аслида эса ундай эмас. Биз ўйлаганчалик кўп эмас, олчалар. Аммо бу шундай бир муаттар ҳидли дарахтки, гуллаганда ҳаммаёқни тутиб кетади. Кейин бир тупи кўзингизга ўн туп бўлиб кўринаверади. Лекин гап бундамас. Демоқчиманки, ҳозир бир туп олча тагига борсангиз ҳам қулоғингизга оппоқ гулларнинг майин шивири урилади:

Эртага байрам!..

В. И. Ленин номидаги майдонда эса улкан намойиш нашидасига тайёргарлик. Эртага бу ер бахтиёр давронимиз кишиларининг шахдам ва виқорли қадамларига, шодиёнага, шўх-бахтиёр қўшиқ, наволарга тўлади. Шундай бахтли турмуш, беғубор туйғулар ошёнини инъом этган улуғ доҳий Ленинга шукроналарга тўлади. Тинчлик ва бирдамлик, тотув ва завқли ҳаёт тарғиботчиси, йўлбошчиси Коммунистик партиямизга ташаккур ва садоқат туйғулари намойиш-кўриги бошланади. Ҳозир саф тортиб, елкама-елка виқорли одимлар отиб ўтаётган ва қутлуғ кун тараддуди билан нафас олаётган замондошларимиз, ишчи, студент, қурувчи, турли касб эгалари кўнглида эса бир ширин калом:

Эртага байрам!..

Почта ходимларининг қўли-қўлига тегмайди, телефонлар ва телефончи қизлардан айланиб-ўргилиб одамлар яқинларига, қариндош ва бегоналарга, таниш ва нотаниш инсонларга бир оғиз ширин калом йўллаш пайида. Сабаб эса ўша:

Эртага байрам!..

Анҳорнинг бўйида бир жуфт қумри дийдорлашмоқда. Атоқли адиб ва шоир Ғафур Ғулом айтганидек, шивир-шивир қилмоқда. Қумрилар — Кабутарнинг қондошлари. Уларнинг Тилаги ҳаммага маълум — Тинчлик. Ҳамма байрамларнинг байрами, Майни гулга буркаган, Янги йилни чароғон қилган Тинчлик. Замин узра шу қутлуғ ва тансиқ сўз бор бўлсин.

Беғубор осмонда кўк қанот Турналар қанот қоқмоқда. Турналар — қардошлик, бирдамлик элчилари. Уларнинг учбурчак парвозида, елкама-елка парвозида, булутларни силаб ўтиб келаётган овозида диёримизга муҳаббат ва меҳр ифодаси. Биз келдик ҳей, яхши одамлар. Қандай орзулар билан тириксиз! Келинг, бир зум тин олинг. Осмонга боқинг, тупроққа термулинг, япроқни эркаланг. Эртага байрам!..

Зеро, Советлар диёрининг ҳар тонги, ҳар эртасининг ўзи бир байрам...

М. ЮСУПОВ.

Совет турмуш тарзи

# Аҳиллик

Бирлик маҳалласи Эски шаҳарнинг Қумлоқ даҳасида жойлашган. Маҳалла ҳуснига-ҳусн қўшиб турган зилол анҳор суви шу маҳаллани иккига бўлиб оқади. Ёзда эса отахонлар, маҳалла аҳллари тўпланишиб, анҳор устига ўрнатилган чойхонада ҳордиқ чиқарадилар. Бундан ташқари маҳалламизда озиқ-овқат, сабзавот магазинлари, сартарошхона, болалар боғчаси ва 15-амбулатория жойлашган. Булар маҳалла аҳолисига яқиндан хизмат кўрсатади.

Маҳалла комитети янги анъаналарни жорий этмоқда, ўз активлари билан келишиб, бир неча бор ҳашар уюштирди, Анҳор ичидаги ахлатлар тозаланди ҳамда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик атрофларига гуллар ўтқазилди.

Маҳалла комитети ўз иш планига кўра маҳалламиздаги 15-амбулатория шифокорларидан ҳам яхши фойдаланиб, улар иштирокида чойхонада тез-тез саломатлик кечалари, савол-жавоб кунлари ўтказиб туради. Яқинда ўтказилган маҳалла активлари йиғилишида маҳалла чойхонасини «Оталар чойхонаси» деб аташга қарор қилинди.

Бирлик маҳалла комитети активлари КПСС XXVII съезди қарорларини аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришда ҳам актив иштирок этмоқдалар. Айниқса, ичкиликбозликка қарши кураш масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Яқин кунларда 70—80 ёшга бориб бахтиёр яшаган кекса отахон-онахонларни ҳурматлаш кечаларини, янгича тўйларни, Улуғ Ватан урушида қатнашганлар билан учрашув кечаларини ўтказишни планлаштириб қўйганмиз. Шу ишларнинг ҳаммаси маҳалла аҳолиси бир оила фарзандларидек аҳил яшаётганликларидан далолатдир.

А. МУТАЛОВ,
Собир Раҳимов районидаги Бирлик маҳалла комитетининг раиси.

Тошкент—жаҳонга

# Китоб — тинчлик элчиси

Пойтахтимиз нашриётларида чоп этилаётган турли мавзудаги китоблар чет эл китобхонларига манзур бўлмоқда. Айниқса рус, ўзбек ва совет шоирлари ҳамда ёзувчиларининг китоблари севилиб ўқилмоқда.

Республика китоб савдоси базаси байрам арафасида чет эллардан олинган кўплаб буюртмаларни бажарди.

Германия Демократик Республикасидаги кутубхоналарга М. Горькийнинг «Она», М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ва А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» китоблари юборилди. Бундан ташқари С. Есенин шеърлари тўпламлари ҳам шу мамлакатга жўнатилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишиларининг кўрсатган жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар Сурия Араб Республикасида қизиқиш билан ўқилади. Араб тилида нашр этилган бундай китоблар ана шу дўст мамлакатга юборилди.

Қардош Афғонистондаги дарий китобхонлари Б. Горбатовнинг «Бўйсунмаслар», Г. Марковнинг «Ота ва ўғил», шунингдек, А. Мурталиевнинг форс тилида чоп этилган «Икки ҳаёт» китобини қўлга оладиган бўлдилар.

Болгариядаги дўстларимиз бир қатор медицина нашрларини жўнатишни сўрашган. Китоб савдоси базаси уларнинг бу буюртмасини адо этди.

Китобларимиз турли тилларда, турли мамлакатларга етиб бормоқда. Бу китобларда тинчлик, дўстлик ва инсонлар ўртасида садоқат ва ишонч ўрнатилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Донолар бисотидан

# Меҳнат ҳақида

● Инсон саломатлигининг боши — меҳнат.
● Меҳнат қилган — ғалаба қилади.
● Инсонни меҳнат улуғлайди. Меҳнат — инсон кўрки, унинг ҳаётини безайди.
● Меҳнат — бахт калити.
● Меҳнат — бахт, саломатлик ёнма-ён.
● Саломатлик — меҳнатни ёқтиради.
● Меҳнатда интизом бўлса— ҳаётинг гранитдай мустаҳкам бўлади.
● Меҳнат—ўй-фикр ҳамда ҳис-туйғуни пайдо қилади.
● Меҳнат — ҳаёт тузи, турмуш лаззати.
● Эркин, озод меҳнат эрта ҳосил беради. Истеъдод эса сидқидилдан қилинган меҳнатдан пайдо бўлади.
● Донолик чин меҳнатдан туғилади.
● Узоқ меҳнатдан тўпланган бой тажриба — ақл бойлиги.
● Бир аср яшасанг, бир аср ўқи.
● Меҳнатинг сингган иш — энг қимматли.
● Меҳнат, меҳнат, меҳнат —бу уч нарса абадий хазина.
● Шон-шараф иши — меҳнатга ҳамдам, ҳамиша бир-бирига ёнма-ён.
● Меҳнат — инсон кўзгуси.

С. АСҚАРОВ,
У. ШОФАЙЗИЕВлар
тўплаган.



# МЕҲНАТ, МАЙ!



Тарих солномасидан

# Бирдамлик рамзи

Ер юзидаги тинчликсевар барча миллату элатлар, соф виждонли кишилар, бутун прогрессив инсоният Биринчи Майнинг юз йиллигини кенг нишонламоқдалар. 1 Май — улуғ айём: бундан юз йил муқаддам бошланган қудратли ишчилар ҳаракати сўнмас жасорат бўлиб кўҳна тарихнинг саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан мангуга ёзилиб қолди!

Бу ҳаракат Америка Қўшма Штатларининг Чикаго шаҳрида дунёга келган эди. 1886 йил. Бундан роппа-роса 100 йил аввалги Американи хаёлан бир кўз олдингизга келтиринг. Чикаго шаҳар меҳнаткашларининг ҳаракати бошланиб кетган: қаҳр-ғазабга тўлган кўзлар, қисилган муштлар, кўчаларда сочилган варақалар...

Дарвоқе, келинг, шу варақалардан бирида нималар ёзилгани билан танишайлик: «Қўзғолинг, Америка меҳнатчилари! Йилига бир кун меҳнат қуролларини ташланг, заводларни, фабрикаларни ва шахталарни ёпинг— истибдодга қарши, жаҳолатга ва урушларга қарши норозилик куни ўтказинг»

Бу ҳаракатга янги кучлар келиб қўшилаверди. Бу қудратли кучни ҳеч ким, ҳеч нарса тўхтатишга қодир эмасди. Тўғри, у қурбонсиз бўлмади. Ҳокимият ишчилар синфининг бу бирдамлик ҳаракатига тўғаноқ бўлишга, ишчилар иродасини букишга уринди, улардан шафқатсиз ўч олди.

Чикагонинг Хеймаркет майдонида, айниқса 4 май куни фожиали воқеалар рўй берди. Майдонга тумонат одам тўпланди. Америка маъмурияти бу ерда митинг бошланишига тиш-тирноғи билан қарши курашди, аммо ишчилар бирдамлиги ғолиб келди: митинг бўлди. Бироқ кўп ўтмай маъмурият ишчилардан шафқатсиз ўч ола бошлади. Митингнинг кўпгина қатнашчилари ушланиб, қамоқхоналарга ташланди, бир неча киши эса дорга осилди...

Инсоният тарихида биринчи марта ўтказилган тинчлик ва бирдамлик намойиши 1 Май ана шундан буён нишонланиб келади. Шундай қилиб, бу ҳаракат меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунига асос солди.

Илмий коммунизм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс синфий курашнинг тарихий тажрибасига таяниб, капитализм емирилиши муқаррарлигини назарий жиҳатдан исботлаб, пролетариатнинг оламшумул-тарихий вазифасини белгилаб бердилар. Бу ҳақда КПСС XXVII съездида тасдиқланган КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида шундай дейилган: «Ёш, келажакка интилувчи социализм дунёсига ҳали ҳам кучли ва хатарли, аммо заволга юз тутган капитализм эксплуататорлик дунёси қарама-қарши турибди. Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашиб бормоқда. Унинг ҳукмронлик доираси муттасил торайиб бормоқда, тарихан ҳалокатга маҳкумлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда».

Маркс ва Энгельс ишининг гениал давомчиси Владимир Ильич Ленин янги тарихий шароитларда уларнинг таълимотини ҳар томонлама ривожлантирди. В. И. Ленин тузган партия марксизм-ленинизм партияси, революцион ҳаракат партияси бўлиб қолди, у жаҳонда биринчи марта социализмни бунёд этди.

Ер юзида биринчи социалистик давлатимиз 1918 йилда биринчи марта 1 Майни ҳақиқий байрам тарзида нишонлади. Ўшанда Владимир Ильич Ленин Қизил майдонда бўлган митингда нутқ сўзлади.

Тошкентда эса биринчи марта 1 Май намойишига сиёсий чиқишга интилиш 1904 йилда бўлган эди. Буни В. Д. Корнюшин раҳбарлигидаги социал-демократик группа тайёрлаганди. Бунда ҳам йўлларда варақалар тарқатилган. «Марсельеза»лар куйланган эди. Аммо бу пайтда ҳали 1 Майни нишонлаш эркинлиги берилмаган, ишчиларнинг ҳар қандай талаблари ҳокимият томонидан рад этиларди. 1905, 1908, 1912, 1913 йилларнинг 1 Май кунлари Тошкент темирйўлчилари ҳар қандай таъқибларга қарамасдан 1 Майни нишонладилар. Аммо булар байрам эмас, балки намойиш тарзида ўтган.

Мана, эндиликда бутун ер юзидаги қанчадан-қанча элу-юртларда 1 Май байрам қилиняпти. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро Тинчлик йили деб эълон қилинган — 1986 йилда бу байрамнинг файзи ўзгача! Ҳамма ўлкалар ва мамлакатларда унинг байроқларига: «Тинчлик» деган муқаддас сўз ёзиб қўйилган.

100 йилдан буён Биринчи Май бутун дунё ишчиларининг бирдамлиги рамзи бўлиб келяпти ва яна кўп даврларда у жаҳон меҳнаткашларининг Тинчлик ва Эркинлик йўлини ёритиб турувчи йўлчи юлдуздек порлайверади!

Ҳ. ИКРОМОВ.

## Болаларга бағишланган

Истеъдодли кинорежиссёр сифатида танилган Ҳ. Файзиев постановка қилган картиналар экранларда муваффақиятли намойиш қилинмоқда. Санъаткорнинг болалар ҳаётига бағишланган бадиий ленталари ҳам кўпчиликка яхши таниш.

Кинорежиссёр ана шу жанрга яна мурожаат этиб, ўқувчиларнинг касб танлашига бағишланган янги фильми устида жиддий иш олиб борди. Темирйўлчи бўлиш орзусида юрган болалар ҳаёти мазкур экран асарига асос қилиб олинди.

«Болалик станциясидан чиққан поезд» деб номланган ушбу картинадаги асосий ролларни истеъдодли ўқувчилар ижро этишди.

С. ОДИЛОВА.

## Маҳалла клубида

Акмал Икромов районидаги Ульянов номидаги маҳалла клубида Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати ва халқаро аҳволга оид лекция ҳамда суҳбатлар тез-тез ўтказилиб туриладн.

Яқинда КПСС XXVII съезди ва Шарқ мамлакатлари билан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мавзусида лекция ўқилди. Уни шаҳар «Билимлар уйи»нинг лектори А. Соҳибоев ўқиди ва шу мавзу юзасидан берилган саволларга жавоб қайтарди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ходими Б. Мирзааҳмедов эса Тошкент билан биродарлашган шаҳар — Тунис тўғрисида суҳбат ўтказди. У бу мамлакатга қилган сафаридан олган таассуротлари, ижтимоий тузум, араблар ҳаёти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Бундай лекция ва суҳбатларга қизиқиш катта бўлгани учун маҳалла аҳолиси тадбирларда фаол қатнашиб келади.

С. ҒАФУРОВ.



# Байрам нашидаси

Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майни тошкентликларнинг ўнлаб миллат ва элатларнинг вакилларидан ташкил топган аҳил оиласи зўр шодиёна билан кутиб олмоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ёшлар таълим олаётган олий ўқув юртларида «Тинчлик, Бирдамлик, Дўстлик» сўзлари айниқса баралла жаранглаца.

Бу оқшом чоғи шаҳар кўчалари, хиёбонлари, майдонларининг файзи ўзгача. Театрлар, концерт заллари, маданият саройларида, ҳар бир хонадонда байрам таронаси янграмоқда. Ватанни, Коммунистик партияни мадҳ этувчи, Дўстликни, Бирдамликни улуғловчи, Тинчликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар шўх рақсларга уланмоқда.

Май байрамининг яна бир нурли томони унинг келажакка ишонч руҳи билан суғорилганлигида, эзгу орзу-умидлар байрами эканлигидадир. Бинобарин, бутун дунё меҳнаткашлари ёш авлод мусаффо осмон остида соғлом камол топишини, бахтиёр яшашини истайди. Бизнинг мамлакатимизда, шу жумладан шаҳримизда истиқбол эгалари учун ҳамма имкониятлар яратиб қўйилганлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Замонавий мактаблар, пионер ва ўқувчилар саройлари, пионер лагерлари уларнинг ихтиёрида.

Буларнинг ҳаммаси учун Тошкент меҳнаткашлари эртага байрам намойишига чиқиб, Социалистик Ватанга, Коммунистик партияга садоқатларини, Тинчлик иши учун бўлган қатъиятларини яна бир бор намойиш этадилар. КПСС XXVII съездининг новаторлик руҳини қарор топтириш ва ривожлантиришга бўлган интилишларини изҳор этадилар.

Т. Каримов ва
М. Нуриддинов
фотолари.





## Қизлар дафтаридан

### Баҳор

Баҳор сени кутдим орзиқиб,
Гўё ҳали ҳеч кўрмагандай.
Овозингни тинмай эшитдим,
Илк бор қўшиқ тинглаётгандай.
Дағаллик йўқ шамолларингда,
Ёғса дангал ёғади ёмғир.
Митти, нимжон бинафшалар ҳам,
Танти бўлиб туғилаётир.

▲ Ойдин Шукурова— 1955 йилда Бухоронинг Қизилтепа районида туғилган. 1979 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугаллаган.

### Юртим

Ўзбекистон юртим, диёрим,
Сенсиз менда куч йўқ, мадор йўқ.
Сен борлиғим, вужудим, борим,
Сенсиз менда билсанг баҳор йўқ.
Сен мен учун муқаддас даргоҳ,
Гўдак чоғдан сенда суриндим.
Бошим ғурра-қоқилсам ногоҳ,
Парво қилмай кетавердим жим.
Қадрдонсан менга ҳаммадан,
Болаликдан севган ўртоғим,
Ҳаливери мен етмайдиган,
Суянганим — ягона тоғим.
Бир зум сени унутиб бўлмас,
Сен шонимсан, ҳаётим мени.
Қайда юрмай, қайларга бормай,
Нафасингдан сезаман сени.

Ойдин ШУКУРОВА.

